

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВА ЭЪЗОЗА ШУҲРАТ ҚИЗИ

“ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ”ДА ҲУҚУҚИЙ
ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УЎК: 811.512.133'373.46:34 (043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по
филологическом наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Сабилова Эъзога Шухрат қизи

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳуқуқий терминларнинг
берилиши.....3

Сабилова Эъзога Шухрат қизи

Дефиниция юридических терминов в «Толковом словаре
узбекского языка».....25

Sabirova Ezoza Shuhrat kizi

Definition of legal terms in the “General dictionary of Uzbek language” 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВА ЭЪЗОЗА ШУҲРАТ ҚИЗИ

“ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ”ДА ҲУҚУҚИЙ
ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Fil2045 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси www.navoiy-uni.uz ва «Ziyonet» АхВорот таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович,
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аширбоев Самихон
филология фанлари доктори, профессор
Кўчимов Шухрат Норқизилевич
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «17» ~~сентябр~~ соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (~~84~~ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «5» 02 да тарқатилди.
(2022 йил «5» 02.1даги рақамли реестр баённомаси).



Ш.С.Сирожидинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор.

Қ.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Н.М.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда илмий билиш жараёнининг чуқурлашуви тилшуносликда терминологиянинг мустақил йўналиш сифатида тараққий этишига туртки бўлди, бу эса луғатларнинг яратилиши, миллий терминология ва терминографияни ривожлантириш масалалари бўйича тадқиқотлар қамровини кенгайтди. Ҳозирги кунда терминология мулоқот жараёнида ахборот манбаи, турли ихтисосликларни ўзлаштириш, илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш воситаси сифатида хизмат қилмоқда. Бу эса мазкур соҳадаги илмий изланишларга бўлган эҳтиёжни янада оширади. Шунингдек, соҳага оид терминларни тартибга солиш, уларнинг изоҳли луғатларда берилишини мукаммаллаштириш фаннинг долзарб вазифаларидан.

Дунё тилшунослигида терминология ҳар бир фан тармоғининг қон томири сифатида жадал ривожланди. Терминосистеманинг тизимли шаклланишида терминографик тадқиқотлар катта аҳамият касб этишини давр кўрсатмоқда. Муайян тилнинг терминологик тизимларини, шунингдек, тилнинг умумий бойлигини кўрсатиб берувчи изоҳли луғатлар ҳар қандай тилшунослик учун бу борадаги энг йирик амалий тадқиқотлар саналади.

Ўзбек тилшунослигида бу масалада салмоқли ютуқлар қўлга киритилган. Аммо тил ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ тарзда тараққий этиб боришини ҳисобга олсак, луғатлар яратиш ишининг такомиллаштирилиши, луғат базасининг бойитилиб, янгиланиб бориши долзарблигича қолаверади. Зотан, “ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни, она ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак”¹ экан, соҳавий билимларни эгаллашнинг асосий манбаси – терминографияга оид тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бораверади. Шу жиҳатдан муайян соҳа терминларининг лексикографик хусусиятларига махсус бағишланган ишларнинг камлиги ҳам ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан сўзланган нутқ / Ҳалқ сўзи, № 218-сон, 22.10.2019.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу диссертация ишида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида терминология ва лексикография, хусусан, терминография бўйича, умумий филологик ҳамда соҳавий луғатларнинг аҳамияти, уларни тузиш, терминологик бирликларнинг соҳа бўйича ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатиш, шунингдек, уларни умумий филологик ёки махсус луғатларда келтириш, бирликларни изоҳлаш бўйича салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган, қатор ютуқлар қўлга киритилган². Миллий тилшунослигимизда ҳам луғатчиликка эътибор тилшуносликнинг энг муҳим тармоғи сифатида Маҳмуд Кошғарий давриданоқ бошланган.

Ўзбек тилшунослигида терминологиянинг лексикографик хусусиятларига бағишланган қатор тадқиқотлар мавжуд, луғат ва қўлланмалар чоп этилган. Ўзбек тилида лексикография ва терминология масалалари М.Э.Умархўжаев, Х.Дадабоев, И.Х.Садикова, С.Х.Нурматова, О.Турсунова, П.П.Нишонов, О.С.Аҳмедов, Ҳ.В.Мирзахмедова, С.Мухамедова, С.Э.Нормаматов, С.Т.Мустафаеваларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Соҳавий терминларнинг лингвистик тадқиқи билан Д.Х.Кадирбекова, Н.А.Мартинова, А.Б.Адигенеева, Д.Камчибекова, О.С.Аҳмедов, П.П.Нишонов, Х.Палуановалар шуғулланишган³. Ҳуқуқий

²Малюкова Е.В. Юридическая терминология в системоцентрическом и антропоцентрическом аспектах: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Кемерово., 2005. – 18 с.; Лутцева М.В. Лексикографическое описание юридической терминологии в неспециальной сфере использования: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ярославль, 2008. – 15 с.; Хасина Л.И. Место и специфика глагольных лексем и словосочетаний в отраслевой терминсистеме: На материале русской и английской юридической терминологии: дис. ... канд. филол. наук. – Кемерово., 2003. – С.169; Смирнова О.М. Филологическое правотолкование: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Казань, 2007. – 16 с.; Nielsen, S. (2015). Legal Terms in General Dictionaries of English: The Civil Procedure Mystery. *Lexikos*. 25. 246-261. 10.5788/25-1-1298. Попова Л.В. Русская юридическая терминология XVIII века в структурно-семантическом и лингвокультурологическом аспектах: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2007. – 16 с.; Khizhnyak S. P. Affixed terms in cognitive categorization of the legal picture of the world and in LSP teaching // *Studies in Logic, Grammar and Rhetoric*. 2018. №. 53 (66). P. 105-117; Хижняк С.П. Основы юридической лингвистики [Электронный ресурс]: учебное пособие. – Саратов: Вузовское образование, 2016. – 123 с. – Режим доступа: <http://www.iprbookshop.ru/54471.html>. – ЭБС «IPRbooks»; Петрашова Т.Г. Английская терминология предметной области: Социальная работа и ее лексикографическое описание: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Иваново, 2006. – 16 с.; Stephen C. Mouritsen, *The Dictionary Is Not a Fortress: Definitional Fallacies and a Corpus-Based Approach to Plain Meaning*, 2010 *BYU L. Rev.* 1915 (2010).

³ Mustafayeva S. Xitoycha-o'zbekcha tilshunoslik terminlari. Toshkent: Fan va texnologiyalar Markazi, 2014. 111 b.; S. Muhamedova va mualliflar jamoasi. Bank-moliya terminlarining o'zbek tilidagi izohli lug'ati. Toshkent:

терминлар тадқиқини Э.М.Калиновская, М.В.Луцева, С.П.Хижняк, Г.Х.Шамсеева, И.Н.Гумовский, Ш.Н.Кўчимов, Т.П.Некрасова, П.Нишонов, В.И.Нормуратова, В.Й.Тураин, И.В.Тушканов, М.Ҳикматоваларнинг ишларида кўриш мумкин. У.Турсунов, Н.Маматов, Р.Дониёров, С.Акобиров, С.Усмонов, И.Х.Пардаева, О.Пўлатова, Қ.Хуррамов, Ҳ.Ёдгоров, А.Қосимов, О.Қурбонов, З.Мираҳмедова каби олимларнинг тадқиқотларида⁴ ҳам соҳавий терминологик системалар таҳлил қилиниб, лингвистик нуктаи назардан тадқиқ этилган.

Халқаро миқёсда мазкур тадқиқот мавзуси юзасидан амалга оширилган катор ишлар сирасига В.Г.Гак, Д.С.Лотте, А.А.Реформатский, Э.Ф.Скорородов, А.А.Уфимцева, Т.А.Яцюк, А.С.Пиголкинларнинг тадқиқотларида келтирилган илмий қарашларни киритиш мумкин. Шунингдек, Ғ.Аҳмедов, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, А.Саидов, Г.Саркисянц каби ҳуқуқшуносларнинг баъзи илмий тадқиқот ишлари⁵ танланган мавзу юзасидан манба вазифасини ўтади.

Ҳуқуқий терминлар ўзбек тилшунослари диққат марказида бўлиб келган. М.Қосимова⁶ ҳамда Г.Ғуломованинг номзодлик⁷, Ш.Кўчимовнинг номзодлик⁸ ва докторлик⁹ диссертациялари шулар жумласидан. М.Х.Қосимова ўзбек тилидаги ҳуқуқий терминларнинг систем-структур хусусиятларини ўрганган бўлса, Г.Ғуломова ўзбек юридик терминологиясини давр нуктаи назардан

Innovatsiya-Ziyo, 2020. – 157 б.; Кадирбекова Д.Х. Инглиз ва ўзбек тилларида ахборот технологиялари терминологиясининг лингвистик хусусиятлари. Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2016. – 128 б.; Мартынова Н.А. Роль терминологической лексики в формировании коммуникативной компетенции специалиста // Общество и человек. – 2014, №1 (7). –С. 67-72.; Нормаматов С.Э. Ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида жаҳид маърифатпарварларининг ўрни: Филол. фанлари доктори дис. ... автореф. – Тошкент, 2019; Адигенеева А.Б., Камчибекова Д. К вопросу о преподавании профессиональных терминов в русском языке. Электрон ресурс: https://revolution.allbest.ru/pedagogics/00554873_0.html. Мурожаат санаси: 30.08.2021.; Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2009. – 26 б.

⁴ Турсунов У. Мухторов Ж. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: 1975. –260 б.; Маматов Н. Ўзбек пахтачилик терминлари луғатини тузиш юзасидан баъзи мулоҳазалар. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1963. №3. –Б. 51-55.; Данияров Р. Техническая терминология узбекского языка на современном этапе. Дисс. ... д-ра филол. наук. – Т.: 1988. –336 б.; Акобиров С. Тил ва терминология. – Тошкент, Ўзбекистон КП МКнинг бирлашган нашриёти, 1968. – 39 б.; Акобиров С. Терминология ишининг мазмуни ва вазифалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1964, №3. –Б. 31-39.; Усмонов С. Гиппологическая терминология современного узбекского языка. – Тошкент: Адолат, 1993. – 141 б.; Пардаева И.Х. Ўзбек тилининг заргарлик терминологияси. Филол. фанлари номз. дисс. ... автореф. – Т., 1994. – 27 б.; Пулатова О.М. Истоки формирования и дальнейшего развития терминологии танцевального искусства узбекского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1992. –23с.; Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомик терминологияси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1986. –27 б.

⁵ Саидов А. Саркисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Тошкент: Адолат, 1994. –32 б.; Саидов А.Х. Давлат тили ва ўзбек атамунослиги муаммолари. Ўзбек тилида халқаро ҳуқуқ атамалари (илмий мунозара материаллари). – Тошкент, 1998. 7-10б.; Саидов А. Султонов С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент: Адолат, 1998. –178б.; Аҳмедов Ғ. Бектемиров Ҳ. Русча-ўзбекча юридик атамалар луғати. – Тошкент: Адолат, 2002. –327б.

⁶ Касымова М.Х. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985.

⁷ Ғуломова Г.Ё. Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти: Филология фанлари номзоди ... диссертация: – Тошкент. 2005.

⁸ Кўчимов Ш.Н. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили. Филол. фанлари номзоди дис. ... автореф. – Тошкент, 1995.

⁹ Кўчимов Ш.Н. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашинг илмий-назарий муаммолари (лингво-юридик таҳлил): Филол. фанлари доктори дис. ... автореф. – Тошкент, 2004.

ўрганган, Ш.Н.Кўчимов қонун тилининг хусусиятларини, ҳуқуқий нормаларни ифодалашнинг илмий-назайи жиҳатларини тадқиқ этган. Ушбу тадқиқотларда ҳуқуқшунослик терминлари атрофлича ўрганилган бўлишига қарамай, ҳали ўзининг тўлиқ ечимини топмаган қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, ўзбек тилшунослигида айнан ҳуқуқий терминлар, уларнинг изоҳи ва лексикографик талқини бўйича тадқиқотлар мавжуд эмас. Шу сабабдан ўзбек тилшунослигида ҳуқуқий терминларнинг изоҳли луғатларда берилиши ва уни такомиллаштириш, уларни тил корпусларида теглаш муаммолари ўз тадқиқини кутаётган масалалардан.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилидан амалий фойдаланиш самарадорлиги муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги ҳуқуқий терминларнинг ўзбек тилининг изоҳли луғатларида берилиши, семантик тавсифини такомиллаштириш асосида уларни ўзбек тили миллий корпусида семантик теглаш лингвистик муаммосини очиб бериш ва илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек лексикографиясида ҳуқуқий терминлар бўйича мавжуд махсус терминографик ишлар бўйича умумий хулоса шакллантириш;

ўзбек тилининг изоҳли луғатларида (1981 ҳамда 2006–2008 йиллардаги нашрлар асосида) мавжуд юриспруденцияга оид терминлар ҳақида тавсифий маълумот тўплаш;

ҳуқуқшуносликка оидликни ифодаловчи лексик помета берилган терминларнинг статистик, этимологик, шаклий-структур тавсифини келтириш;

таҳлил натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан изоҳли луғатни такомиллаштиришга хизмат қилувчи таклифлар бериш;

изоҳли луғатда ҳуқуқий терминлар изоҳини семантик таҳлил ва тавсиф қилиш асосида изоҳнинг такомиллашувига эришиш;

изоҳли луғатга киритиш учун терминлар рўйхатини шакллантириш;

терминлар учун иллюстратив мисолларни замон ва соҳа талабига кўра қайта танлаш;

ўзбек тили миллий корпусида ҳуқуқий терминларни семантик теглаш бўйича моделлар ишлаб чиқиш;

изоҳли луғат учун ҳуқуқий терминларни танлаб олиш мезонини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тилининг изоҳли луғатларида (1981 йилда нашр этилган 2 томли ва 2008 йил нашр этилган 5 жилдли) мавжуд ҳуқуқий (*юр.* ва *ҳуқ.* пометали) терминлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилининг изоҳли луғатларида мавжуд ҳуқуқий терминларнинг тавсифини мукамаллаштириш, иллюстратив

мисолларни янгилаш, луғатга киритилиши лозим бўлган терминлар ва ҳуқуқшуносликка оид терминларни корпусда семантик теглаш масаласи ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда статистик таҳлил, таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, компонент таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да 93/54 та ҳуқуққа оид термин статистик тавсифланган, этимологик жиҳатдан уларнинг 24/30 %и туркий, 30/41 %и арабий, 6/6 %и форсий, 30/24 %и европа тилларидан ўзлашганлиги, деривацион жиҳатдан 60/29 таси туб, 32/26 таси ясама; структур жиҳатдан 59/29 таси содда, 10/5 таси мураккаб эканлиги аниқланган;

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да берилган терминларнинг лексикографик изоҳланиши бўйича термин изоҳининг ҳавола усули орқали бошқа сўзга йўналтирилиши, бирикма ҳолатда берилган терминнинг маъноси терминга мос келмайдиган ҳосила маънода берилиши каби такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланиб, уларни бартараф этиш учун тўлиқлик, аниқлик, ихчамлик, соддалик каби тамойиллар далилланган;

изоҳли луғатга ҳуқуқий терминларни танлаб олиш учун ҳуқуқий мазмуний гуруҳга, янгилик бўёғига, фаоллик даражасига кўра танлаш каби мезонлар ишлаб чиқилиб, шу асосда *пора, норма, нигилизм, непотизм, мусодара* каби жами 104 та бирликка лексикографик баҳо бериш орқали “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳуқуқий термин сифатида берилиши далилланган;

изоҳли луғатда ҳуқуқий терминлар учун иллюстратив мисоллар бериш бўйича далилнинг соҳага доир матнлардан олинishi зарурийлиги, ўзакдош сўз-терминларга лексик пометанинг қўлланиши шартлиги каби амалий ҳамда миллий ва махсус корпусларда ҳуқуқий терминларни семантик теглашга доир **prsn.lgl.pstn., lgl.fld., lgl.act., lgl.st.mtn.prcs., lgl.rltd.** шаклида алгоритмлаш каби тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тили изоҳли луғатининг янги таҳририга соҳавий терминологик бирлик танлаш жараёни учун муайян мезон ишлаб чиқилган;

луғатда ҳуқуқий терминлар берилиши билан боғлиқ техник ва семантик изоҳга оид хатоликлар кўрсатилган ва уларни тузатиш учун тавсиялар берилган;

лексикографик бирликка услубий белгилар берилишига оид амалий хулосалар шакллантирилган;

луғатга киритиш учун янги ҳуқуқий терминлар (луғат мақолалари билан) рўйхати шакллантирилган;

ҳуқуқий терминларни миллийлаштириш бўйича тавсия ва ва таклифлар келтирилган;

тадқиқотчи томонидан шакллантирилган илмий хулосалар нафақат умумий, балки махсус терминографик тадқиқот учун ҳам амалий аҳамиятга эгаллиги кўрсатиб берилган;

изоҳли луғатда мавжуд ҳуқуқий терминологик бирликлар учун соҳага доир материаллардан далилий мисоллар келтириш ўринли экани мисоллар ёрдамида исботланган;

ҳуқуқшуносликка оид термин учун семантик тег категориялари ҳамда моделларини тузиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилган материалларнинг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилишга ёрдам берганлиги, уларнинг асосли эканлиги, методологик мукамаллиги, ўзбек тили изоҳли луғатида берилган ҳуқуқшуносликка оид бирликларини семантик теглаш тамойилларини яратишда амалда исботланган манбаларга таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўзбек тилининг изоҳли луғатини таҳрир қилишда, бойитишда, амалий самарадорлигини оширишда илмий-назарий ҳамда амалий манба бўлиши, ўзбек тили корпусларини яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда, компьютер лингвистикаси йўналишида тадқиқотлар яратишда ҳам илмий-назарий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти амалий тилшунослик бўлимларидан бири – лексикография (терминография) ҳамда корпус лингвистикасини фан сифатида ўқитилиш жараёнида дастур, режалар тузиш ҳамда мавзуларни баён этишда манба вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида берилган *юр.* ва *ҳуқ.* пометали терминологик бирликлар таҳлили, тавсифи ҳамда тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек тилининг изоҳли луғатларида келтирилган ҳуқуқшуносликка оид терминларнинг статистик, этимологик ҳамда структур тузилишига оид хулосалардан ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” (2016-2020) ҳамда ФА-А1-Г007 рақамли “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” (2016-2020) мавзуларидаги фундаментал ва илмий-амалий лойиҳаларнинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 19 октябрдаги 17.01/269-сон маълумотномаси). Натижада ясалиш ҳодисасининг терминларга тегишли хусусиятларини ёритиш орқали лойиҳани бажариш иши яқдил хулоса асосида олиб борилишига эришилган;

ҳуқуқий терминларнинг бир ва кўп маъноли эканлик хусусияти, семантик муносабатларга кўра терминларнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, ҳуқуқий терминларнинг маъновий гуруҳларга бирлашишига оид хулосалардан 5221000 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавр таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган

“Ҳозирги ўзбек тили” дарслигида (2018) фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУнинг 2021 йил 20 октябрдаги №04/1-1974-сонли маълумотномаси). Натижада дарслик сўзлардаги моносемия ва полисемия, бош ва ҳосила маъноларини тавсифлаш, хусусан, мазкур ҳодисаларнинг умумистеъмол сўзлардан фарқли равишларда терминларда юзага чиқадиغان ўзига хосликлар, сўз ясалишига оид “ясалиш” ва “ҳосил бўлиш” ҳодисаларига доир мулоҳазалар, семантик, неотерминологик ҳамда фаоллик хусусиятига кўра танлаш асосида луғатларга терминологик бирликларни киритишга оид фикрлар билан бойитилган;

ҳуқуқий терминологияга оид бўлган, хусусан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да келтирилган бирликларнинг ишлатилишига оид статистик таҳлил натижалари, ҳуқуқий терминларда семантик ўзига хослик, уларда моносемия ва полисемия ҳодисаларига оид таҳлил ҳамда терминлар синонимияси, ҳуқуқий терминларни тил корпусида семантик теглаш учун ишлаб чиқилган алгоритмлар, луғат учун соҳавий терминологик бирликни танлаб олиш учун тавсия қилинган мезонларга оид хулосалардан И-ОТ-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” мавзусидаги инновацион амалий лойиҳасида (2020-2021) фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУнинг 2021 йил 23 октябрдаги №04/1-1994-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа иши унда кўзда тутилган инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири электрон луғатда берилишининг назарий ва амалий жиҳатдан бойитилишига асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 1 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловодан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 152 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, илмий тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, объекти ва предмети, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқот

натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўзбек тилининг изоҳли луғатларидаги ҳуқуқий терминларнинг статистик, этимологик ва шаклий-структур тавсифи**” деб номланиб, унда ўзбек тилининг изоҳли луғатларида *юр.* ва *ҳуқ.* пометаси билан берилган терминларнинг статистик, этимологик ҳамда шаклий-структур тавсифи келтирилди.

Умумий изоҳли луғатлар ҳар қандай тилшуносликнинг лексикография соҳасида амалга ошириладиган йирик ишлардан. Зеро, унда умумхалқ бойлиги – тилнинг бутун салобати, барча услубга хос сўз, ибора, турли соҳага оид терминлар ўз аксини топади. Шунингдек, “...республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган катта ўзгаришлар, ривожланган жуда кўп мамлакатлар билан алоқаларнинг тобора кучайиб бораётганлиги қисқа вақт мобайнида ўзбек тили, хусусан, унинг лексикаси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Ана шундай омиллар таъсирида ўзбек тили луғат таркибида юз берган жиддий ўзгаришлар муносабати билан ўзбек тилининг давр талабига жавоб берадиган кўп жилдли изоҳли луғатини тузиш ва чоп этиш”¹⁰ ишлари амалга оширилади.

Таъкидлаш керакки, ушбу луғатларда (2 томли ва 5 жилдли) ўзбек тили ҳолатининг улкан қисми акс этган. Сўз бирикмалари, иборалар билан бирга ҳаётнинг турли соҳаларига тегишли терминлар ҳам луғатдан ўрин олган. Айтиш жоизки, ўзбек тилининг мавжуд изоҳли луғати (5 жилдли) кенг хронологик доирада ўзбек тилининг бутун сўз бойлигини эмас, балки ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг кенг истеъмолдаги сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш¹¹ни ўзига мақсад қилиб қўйганлиги, изоҳли луғатни тузиш кўп йиллик, катта меҳнат талаб қилувчи жараён эканлигини инобатга олган ҳолда, шу кунгача яратилган 2 томли (1981 йил) ва 5 жилдли (2008 йил) ўзбек тилининг изоҳли луғатларининг тузилиши, унда бирликларнинг берилиши, иллюстратив мисоллардан фойдаланилиш ҳолатини ўрганар эканмиз, хусусан, биз тадқиқот учун объект сифатида танлаган ҳуқуқий терминлар борасида бир қатор муаммоли саволларга ечим изладик. Профессор Н.Маҳмудов ҳақли равишда “ҳар қандай фанни ўрганиш, ўзлаштириш учун унинг алифбосидан – терминологиясидан хабардорлик зарур бўлиши”, “терминлар ҳар қандай фан тилининг асосини ташкил этиши ҳақидаги қоида бугун аксиома мақомини олиб бўлган”лигини таъкидлайди¹². Фан тили муаммоси, аввало, терминология муаммоси эканлигини олимлар ҳам қайд этади. Бу борада луғатчилик ишларининг жадал суръатларда ривожлантирилиши ижобий натижаларга сабаб бўлади. Хусусан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида соҳага доир терминлар, айниқса, жамият ҳаётини тартибга солувчи соҳа – ҳуқуқшунослик терминларининг берилишига оид

¹⁰Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006. – Б.5.

¹¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006. – Б.7.

¹²Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2017. –Б.129.

назарий-амалий тадқиқотлар нафақат тилшунослик, балки жамият ҳаёти учун ҳам аҳамиятли.

Ҳуқуқий терминлар юриспруденция тизимида мавжуд тушунчаларни ифодаловчи, асосан, қонун тили лексикасидир. Ҳар қандай ҳуқуқий тушунчани ифодалаш учун терминлар олдига маълум талаб ва меъёрлар қўйилади. Қўлланиш доирасининг чегараланиши (*гувоҳ, тухмат*), расмийлик хусусиятига эгалик (*инсон, одам, шахс* синонимик қаторидан “шахс”нинг термин сифатида танланиши), миллий ва халқаро миқёсда айнанликнинг кузатилиши (халқаро терминлар: *прокурор, легитимизация*), бир соҳа доирасида муайян тизимга мансублик (*суд, кассация, эмансипация*) каби хусусиятлар ҳуқуқий терминларнинг моҳияти ва табиати учун хос.

Ҳуқуқий терминлардаги ўзига хосликларнинг батафсил ва тизимли тавсифи тадқиқот объектимизнинг икки луғат яратилиши оралиқ даври учун ҳуқуқий терминологиянинг динамик ҳолатини акс эттира олишини инobatга олган ҳолда бундай вазиятда фойдаланиладиган статистик методга таянилди ва шунга кўра қуйидаги статистик маълумотлар келтирилди: ҳуқуқий терминларнинг умумий сони; сўз туркумлари бўйича миқдори; 2 ва 5 томлида бор (умумий берилган)лари сони; 2 ва 5 томлида йўқ (бир-бирида такрорланмаган)лари сони; кўп маъноли бўлса, барча маъноси ҳуқуқий бўлганлари сони; кўп маъноли сўз бўлса, бир маъноси ҳуқуқий бўлганлар сони; бош маъноси ҳуқуқий бўлган терминлар сони; бир маъноли ҳуқуқий терминлар сони (маъноси фақат ҳуқуқий); ҳосила (кўчма) маъноси ҳуқуқий бўлган терминлар сони; ўз қатлам терминлар сони; ўзлашган қатлам терминлар сони; содда терминлар сони; мураккаб терминлар сони; жуфт ва такрор шаклда берилган терминлар; туб терминлар; ясама терминлар; ясама терминларнинг ясалиш (ҳосил бўлиш) усулига кўра турлари бўйича сони (аффиксация, композиция, ...); умумистеъмол терминлар сони; эскирган терминлар сони; юриспруденция тармоқларига кўра (англатган маъносига кўра): жиноят ва жазо тушунчаларини билдирувчи терминлар; жиноят процесси билан боғлиқ терминлар; фуқаролик ҳуқуқига оид тушунчаларни билдирувчи терминлар; фуқаролик процесси билан боғлиқ терминлар; давлат қурилиши ва бошқарувига оид терминлар.

Ушбу статистик таҳлил маълумотларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, биргина ҳуқуқий соҳа ихтисослиги бўйича луғатда берилган терминлар миқдори изоҳли луғатларда умумий тушунчани ифодаловчи бирликларнинг процессуал ҳуқуққа доир терминлардан нисбатан кам эканлигининг ўзи баъзи хулосаларни шакллантириш учун етарли.

Шунингдек, ўрганиш жараёнида статистик таҳлил учун “термин ясалиши” ҳодисасининг ҳам термин ҳосил бўлиши жараёнини аниқ номламаётганлигини аниқладик. Фикримизча, термин ясалмайди, балки ҳосил қилинади ёки ҳосил бўлади.

Қолаверса, 2020 йил сентябрь ойида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг янги нашрида техник тузатишлар амалга оширилганлиги таъкидланган бўлишига қарамай, ҳуқ. пометаси билан берилиши керак бўлган

юриспруденцияга оид терминларнинг луғатда мавжуд иккитаси (ҳуқуқий, экстерриториаллик) ҳамон *юр.* пометаси билан берилгани¹³ни ва уни тузатиш вазиғаси амалга оширилмаганини кўрсатди.


Барча тилларнинг ривожланиш қонуниятига кўра тилда мавжуд лексика савдо-сотик, дипломатик алоқалар орқали бошқа тиллардан ўзлашиш ҳисобига бойиб боради. Олинма сўзларнинг фаоллик даражаси ортиши туфайли ўз қатлам сўзлар чет тилидан ўзлашган сўзларга ўз ўрнини бўшатиб бериши табиий. Бу жараён терминологияда ҳам ўз аксини топади. Зеро, терминлар тизимининг халқаро мезонларга мослаштирилиши ҳодисаси терминологиядаги миллий сўзшакллардан кўра умуметироф этилган байналмилал бирликларнинг қўлланиш даражасини оширишга хизмат қилади. Ҳуқуқ соҳасида мавжуд баъзи тушунчалар миллий маънавият ёки тарбияга оид тушунчалардан фарқ қилади: миллий кадрият ва тарбия тизимида оид тушунчаларнинг хусусийлик жиҳати устун бўлгани ҳолда, ҳуқуқшунослик терминларининг кўплаб тилларда бир хил шаклда қўлланиши эҳтимоли катта.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига киритилган *ҳуқ.* пометали терминларнинг этимологик хусусияти бўйича таснифи қуйидагича: соф ўзбекча; арабий; форсий; рус тилидан ёхуд рус тили орқали ўзлашган (байналмилал); француз тилидан ўзлашган; немис тилидан ўзлашган. Бундан ташқари, ўзбек тилида тил бойишининг ички имкониятлари асосида ёки турли тилдан ўзлашган сўзларнинг комбинациясидан ёхуд уларни жуфтлаш ёрдамида ҳосил бўлган терминлар ҳам мавжуд: араб+форс: *даъвогар, айбнома*; араб+форс+ўзбек: *жавобгарлик*; араб+лотин: *жиноий-процессуал*; араб+ўзбек: *ҳуқуқбузар*; қадимги рус+ўзбек: *судланганлик, судланувчи*; -лик аффикси ёрдамида ўзбекчалаштирилган терминлар ҳам шулар жумласидан (*экстерриториаллик*).

Ҳар иккала ЎТИЛда ҳам генетик жиҳатдан араб тилига мансуб бирликлар етакчилик қилади. Бу сўзларнинг кўп қисми умумтуркийлик хусусиятига эга. Аммо луғатда ва терминологияда соф ўзбекча сўзларнинг салмоғини ошириш халқимизнинг ўз тилидан кенгроқ ва соҳа тили сифатида фойдаланиш қамровини кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлаш лозим.

Қуйидаги диаграмма иккала “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳуқуқий терминларнинг ўзлашганлигига кўра маълумотни акс эттиради.

¹³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2020.



ЎТИЛда берилган ҳуқ. пометали терминлар тузилиши жиҳатдан содда, қўшма, жуфт, бирикма терминлар гуруҳларига бирлашади. Ўзбек тили ҳуқуқий терминологиясида мавжуд бўлган гибрид қўшма терминлар (*кибержиноят, автоҳаракат* каби) ҳам ЎТИЛга киритилиши замон талаби деб ҳисоблаймиз. Бирикма терминлар таркибида мураккаб ҳуқуқий мазмун ифодаланади. Шу боисдан бирикма шаклидаги терминлар ҳуқуқ терминосистемасида салмоқли ўринни эгаллайди. ЎТИЛнинг янги таҳрири тайёрланиши жараёнида бош сўз иштирокидаги ҳуқуқий бирикма терминлар ҳам кўпроқ берилиши мақсадга мувофиқ. Аммо бундай бирикма терминларнинг қайси сўзшакли бош сўз сифатида танланиши баҳсли масала. Чунки юқорида таъкидланганидек, бирикмали терминлар таркибидаги ҳар бир луғавий бирлик алоҳида ҳуқуқий мақомга эга.

ЎТИЛда сифатдош қўшимчаси *-(у)вчи* орқали ясалган сўзлар процессуал ҳуқуққа оид шахсларни англатувчи терминлар гуруҳини ҳосил қилган. Масалан, *терговчи, айбланувчи, судланувчи* ва ҳоказо. Демак, феълнинг сифатдош ясовчи қўшимчаси *-(у)вчи* процессуал ҳуқуқ соҳасида иштирок этувчи шахсларни номловчи терминни яшашда фаол. Халқ тилига яқин бўлган бу хусусият ҳуқуқий терминологияни миллий терминлар билан бойитиш ишларида эътибордан четда қолдирилмаслиги лозим.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбек тилининг изоҳли луғатларидаги ҳуқуқий терминларнинг семантик хусусиятлари**” деб номланиб, ҳуқуқий терминларнинг семантик ўзига хосликлари, бир ва кўп маъноли терминларнинг изоҳли луғатда берилиши ва уларнинг семантик муносабатларга кўра тавсифи ёритилган. “Семантик майдон алоҳида тил системаси сифатида мураккаб лисоний структурага эга. Майдоннинг структур ўзагини барча парадигматик гуруҳлар йиғиндиси ташкил этади. Парадигматик муносабатлар турли хил характерда, у ёки бу мазмуний белгилари билан яқин бўлган лексик birlikларнинг ҳар хил синфлари ёрдамида намоён этилиши мумкин. Парадигматик муносабатлар бир чизиқли эмаслиги билан фарқланади”¹⁴, – дейди семантик майдон ҳақида фикр юритиб

¹⁴Эргашева М. Оламнинг лисоний манзараси ва семантик майдонларга бўлиниши. «Молодой учёный». №3.1 (107.1) Филология . Февраль, 2016. – Б.62.

тилшунос М.Эргашева. Терминологик системаларга айнан хос бўлган ушбу фикр асосини ҳуқуққа оид терминлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Парадигматик муносабатлар бир чизикда намоён бўлмаслигини сиёсат, иқтисодиёт, дипломатик муносабатларга оид тушунчалар ҳам ушбу терминосистемада акс этганида кўриш мумкин. Буни ҳуқуқий муносабатлар жамият ва халқаро ҳаётнинг барча жабҳаларига хос эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбек тилининг алоҳида микросистемаси сифатида ҳуқуқий терминларнинг семантик хусусиятлари тадқиқи луғатшунослик учун аҳамиятли хулосалар бера олади. Негаки, тадқиқот объектими – ЎТИЛда берилган ҳуқуқ соҳасига оид терминларнинг ҳуқ. ёки юр. пометасига эга бўлишига оид мезонлар айнан семантик тавсиф асосида шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. ЎТИЛда мавжуд терминларнинг ёки терминлик мақомида бўлмаган баъзи birlikларнинг семантик тавсифи аниқлаштирилмаганлиги боис ҳуқуқий термин пометасини олиши лозим бўлган баъзи терминлар тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган. Ёки айрим терминларнинг ҳуқуқий терминлик мақомига эга эмаслигини кўриш мумкин (масалан, *босқинчилик-бандитизм*). Кўринадики, ҳуқуқий терминларнинг семантик тавсифи амалий аҳамиятга эга.

Терминни луғат учун танлашда миллий birlikларни эътибор марказига қўйиш тил бойлигини луғатда акс эттириш усули бўлар эди. Ҳуқуқшуносликка оид терминларнинг 1981 йилдаги изоҳли луғатда берилиб, кейинги нашрда ҳуқ. пометасидан “махрум қилинган”лари орасида ҳуқуқий тушунчаларни миллий birlik ёрдамида ифодалаш мумкин бўлган вариантлари мавжуд. Бу каби birlikларнинг терминлик маъноси пометасиз берилган ёки соҳага оид бўлган маъноси умуман берилмаганлигини кузатиш мумкин. Масалан, *эгри, қораламоқ, ёқламоқ, регресс* каби терминлар икки томли луғатда ҳуқуқшуносликка оид термин сифатида берилган, кейинги нашрда эса терминлик позициясида эмас:

ЁҚЛАМОҚ 1 Тарафини олмоқ, қувватламоқ.

2 Махсус йиғилишда муҳокамага қўйилган ишни (лойиҳа, диссертация, диплом иши каби. ни) маъқуллайтиб, муносиб даража ёки унвон олмоқ; химоя қилмоқ. *Диплом ёқламоқ.*

2 томлида эса:

ЁҚЛАМОҚ, 1 Тарафини олмоқ, қўллаб-қувватламоқ.

2. юр. Судда судланувчини химоя қилмоқ; оқламоқ.

3. Махсус йиғилишда муҳокамага қўйилган ишни (проект, диссертация, диплом иши каби.ни) маъқуллайтиб, муносиб даража ёки унвон олмоқ, химоя қилмоқ. *Диссертация ёқламоқ. Диплом ёқламоқ.*

Ушбу birlikнинг икки томлида ҳосила маъноси сифатида келтирилган “судда судланувчини химоя қилмоқ, оқламоқ” маъноси кейинги нашрда тушириб қолдирилган. Фикримизча, изоҳни сақлаган ҳолда ҳуқуқий терминлик маъносини қайта киритиш лозим.

Мазмуний гуруҳдаги ҳар бир лексема шу гуруҳнинг энг кичик бирлиги сифатида қаралиб, унинг лисоний қиймати, мазмуний таркиби шу гуруҳ ичидаги бошқа лексемалар билан узвий алоқадорлик асосида аниқланади. *Айбланувчи, ҳимоячи, прокурор, гувоҳ, жавобгар, судья* лексемалари “суд процесси иштирокчилари” семасига кўра бир гуруҳга бирлашади. *Айбланувчи, ҳимоячи, гувоҳ, жавобгар, судья* лексемалари айнан “фақат судга оширилган ишнинг судда кўрилиш жараёни” семаси асосида битта парадигмада туради. “Суд ишини олиб борувчи” семаси *судья, ҳимоячи, прокурор* лексемалари учун умумийликка эга. “Суд иши объекти” семаси эса *жавобгар, айбланувчи* каби лексемаларни бир парадигмага бирлаштиради.

Таҳлил натижасида ЎТИЛда (2 томли ва 5 жилдли) айнан ҳуқ. пометаси билан берилган ҳуқуқий терминларни семантик парадигма асосида қуйидаги семантик гуруҳларга бирлаштириш мумкин: 1) шахсларнинг ҳуқуқ жараёнидаги мақомини билдирувчи; 2) ҳуқуқ соҳаларига оид тушунчаларни англатувчи; 3) ҳуқуқ жараёнида қўлланувчи ҳужжатларни англатувчи; 4) ҳуқуқий ҳолат/ҳаракат/жараёнларни ифодаловчи; 5) ҳуқуққа алоқадор бўлган (ёндош соҳа) терминлар.

Икки жилдли ЎТИЛда берилган моносемантик терминлар	Беш жилдли ЎТИЛда берилган моносемантик терминлар
<i>алиби, жиноий, ижро, реабилитация, судланганлик, сўроқсиз, тергов, терговчи, шуурсизлик, экстерриториаллик, қораламоқ, ҳуқуқий.</i>	<i>алиби, арест, бикамерализм, биметаллизм, бипатрид, бонус, босқинчилик, де-факто, де-юре, жавобгарлик, жиноий, жиноий-процессуал, жиноят, квалификация, легитим, меморандум, пролонгация, протест, реквизи́тлар, реплика, судланганлик, терговсиз, товон, шуурсизлик, эксгумация, экстерриториаллик, қўрқитиш, ҳуқуқий.</i>

Кўп маъноли сўзларнинг ҳуқуқий термин сифатида берилиши луғатда турли шаклда кузатилади: полисемантик сўзнинг бирор семасининг ҳуқуқий термин сифатида келиши; ҳуқуқий терминнинг полисемантиклик ҳолати. битта термин турли терминологик тизимда соҳага доир алоҳида тушунчани англатиши. Бунда сўзнинг семантик таркибидаги бир хил семага асосланганлиги сабабли уларни полифункционал деб олиш керак.

Операция (ҳуқуқшунослик)	Операция (тиббиёт)
<i>Муҳим топшириқ</i>	<i>Жарроҳликка оид жараён</i>
<i>Бажарилиши лозим бўлган мақсадли жараён</i>	<i>Мақсадли жараён</i>
<i>Муайян топшириқ асосида</i>	<i>Муайян клиник ҳолатда амалга ошириладиган</i>
<i>Махсус амалга ошириладиган</i>	<i>Махсус амалга ошириладиган</i>
<i>Махфийлик асосида</i>	

Демак, ушбу терминларнинг семантик таркибида мавжуд семаларнинг деярли бир хиллиги боисидан уларни соҳалараро полифункционал¹⁵ деб топиш ўринли, шунингдек, мазкур терминларга изоҳли луғатда соҳа лексик пометаси билан алоҳида изоҳ берилиши мақсадга мувофиқ.

Кўп маъноли сўзларнинг семантик хусусиятлари, лексик-семантик муносабатлар орқали рўёбга чиқадиган моҳияти кабиларни луғат мақоласида ҳар бир маънога оид мазмуний қуршов бирликларини келтириш орқали аниқлаштириш мумкин. Масалан, ушбу *ижро* полисемантик бирлигини олайлик. Уни ҳар бир маъносига кўра қуйидагича изоҳлаш (изоҳни тўлдириш) мақсадга мувофиқ: **Ижро 1 ... мазмуний қуршов бирликлари:** *ижрони таъминлаш, суд ҳукми ижроси, вазифа ижроси,...* **Ижро 2 ... мазмуний қуршов бирликлари:** *қойилмақом ижро, саҳнада ижро қилмоқ, раққоса ижросида, ...*. Умумий маънода ҳуқуқ соҳаси кишиси маъносини билдирувчи юрист терминининг сигнификатив маъноси *терговчи, прокурор, судья, адвокат* каби хусусийлашган “муайян ҳуқуқий соҳага доир киши” маъносига эга терминлар билан битта гуруҳга мансуб. Айнан лексик-семантик муносабатлар уларни ҳуқуқшунослик йўналишларига оид шахс номини билдирувчи мазмуний майдонга бирлаштиради. Ва айти пайтда, мисол учун, суд жараёнига оид бўлган ҳолатда *прокурор* ва *адвокат* терминлари процессдаги вазифаси нуқтаи назаридан антонимик муносабатга киришини таъминлайди. Яъни суд жараёнида *адвокат* ва *прокурор* бирликлари денотатив маъносида мавжуд мос равишда “ҳимоя қилувчи” ва “қораловчи” семалари сабабли антонимик жуфтликлар сифатида қаралади. Ушбу антонимик муносабат ва шунга ўхшаш семантик муносабатлар эса суд процессига оид бирликларнинг бир мазмуний гуруҳга жамланишини таъминлайди.

Лексик-семантик муносабатга кўра ҳуқуқшунослик соҳаси терминлари, хусусан, ЎТИЛда берилганлари учун синонимия ҳодисаси бошқа ҳодисаларга нисбатан яққолроқ. Чунки ҳуқ. пометаси билан берилган ҳуқуқий терминлар ичида градуонимия, иерархионимия, партонимия каби ҳодисалар учун таҳлил объекти етарли эмас. Умумий ҳуқуқий терминлар учун ушбу таҳлиллар амалга оширилиши учун дастлаб ҳуқуқий терминларнинг изоҳли луғати яратилиши ёки камида ҳуқуқшунос ва тилшунос ҳамкорлигида луғат учун бирликлар етарли миқдорда жамланиши лозим.

Луғатда бош сўзнинг изоҳи таркибида соҳага оидликни ифодаловчи, унга ишора қилувчи сўз ва сўз бирикмаларнинг мавжудлиги бирликка термин сифатида махсус белгини қўллаш заруратини йўққа чиқармайдиган ўринлар, ҳолатлар мавжуд. Ўзакдошларнинг кетма-кет келишида лексик пометани қўллаш, албатта, зарур.

Диссертациянинг “Давр талаби ва ўзбек тилининг изоҳли луғатларидаги ҳуқуқий терминларнинг тавсифини такомиллаштириш

¹⁵ Бу ҳақда қаранг: Нарходжаева Х.Ш. Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик тадқиқи. Фил. фан. доктори ... дисс. – Тошкент, 2014. 38-б.; Тожиева Г.Н. Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти. Фил. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... диссертация. – Самарқанд, 2017. 15-б.

вазифалари” деб номланган учинчи бобида мавжуд изоҳли луғатлардаги ҳуқуқий терминлар тавсифларини такомиллаштириш, изоҳли луғатга киритилиши керак бўлган терминлар, ҳуқуқий терминлар учун иллюстратив мисолларнинг берилиши, ҳуқуқий терминларни корпусда семантик теглаш каби масалалар юзасидан илмий-амалий мулоҳазалар, ҳуқуқий терминларнинг миллийлаштирилишига оид таклифлар баён этилган.

Ушбу бобда мавжуд изоҳли луғатдаги терминларнинг изоҳидаги айрим камчиликлар аниқланиши асосида изоҳни мукаммаллаштиришга доир тавсиялар келтирилади. ЎТИЛда сўз маънолари меъёрийлик тамойилига асосан жойлаштирилганлиги таъкидланади. Аммо ушбу қоидага асосланилса, 5 жилдли луғатда *ижро* сўзининг луғат мақоласида ҳуқ. пометаси билан берилган терминлик маъноси биринчи изоҳдан (амалга ошириш, бажариш) кейин берилиши керак эди. Аммо термин сифатидаги мазмунни очиб бермайдиган иккинчи – ҳосила маъно (куй, ашула, рақс кабиларни бажариш) дан кейин *ижро варақаси* бирикмаси ҳуқ. пометаси билан берилади. Аслида бу бирикма бош сўз маъносининг мантиқий-давомий изоҳидан ўсиб чиққан сема асосида шаклланган бирикма термин.

Луғатда *жиноятчи* термини *жинояткор* терминига ҳавола этилган.

ЖИНОЯТКОР [а. + ф. - жиноят қилувчи, қилган] Айб, гуноҳ қилган киши. [Майсара:] *Бўлди ўйин ҳам. Вақт кетди, қани обчиқинг бу жинояткорларни! Ҳордиқ чиқсин. Ҳамза, Майсаранинг иши. -Агар Ҳасан жинояткор бўлса, мен жинояткор бўла қолай, сизлар колхозни истагашиарингча бузинглар, — деди Фотима. С. Айний, Қуллар.*

ЖИНОЯТЧИ қ. **жинояткор.** *Хавфли жиноятчи. Ҳарбий жиноятчи.*

Ушбу бирликлардан иккинчиси – *жиноятчи* ҳуқуқшуносликка оид термин. Аммо унинг термин сифатидаги изоҳи берилиш ўрнига *жинояткор* луғавий бирлигига йўналтирилган. Бу бирликнинг изоҳи эса *жиноятчи* сўзи ифодаладиган ҳуқуқий тушунчани ифодалай олмайди. *Жиноятчи* сўзи термин сифатида “муайян ҳуқуқбузарликни амалга оширган шахс”ни англатади. *Жинояткор* эса айнан жиноятчи сўзи ифодалаган маъноси билан синонимик қаторга бирлаша олади, аммо термин сифатида *жиноятчи* сўзида услубий нейтраллик устун. Қолаверса, соҳада қўлланиш даражасига кўра ҳам жиноятчи сўзини фаол дейиш мумкин.

Терминнинг луғат мақоласида келтирилиши керак бўлган изоҳ ҳуқуқий терминларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича мукаммаллаштирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- бир маъноли терминни энциклопедик изоҳ усулига кўра изоҳлаш;
- полисемантик терминнинг умумистеъмол маъноси терминлик семасидан кўра фаол бўлган тақдирда халқ қўллайдиган маъноси аввал берилиши, терминлик маъноси ҳуқ. пометаси билан белгиланиши;
- полисемантик терминнинг бош маъноси термин сифатида қўлланилса, соҳага доир изоҳли луғатда бериладиган таърифига яқинроқ (яъни чуқурроқ, кенгроқ) изоҳланиши;

